O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
13 IYUN
PAYSHANBA
№ 74 (26.933)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июнь куни Оқсаройда Арманистон Республикаси ташқи ишлар вазири Вартан Осканянни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари мазкур ташриф Ўзбекистон билан Арманистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очишини таъкидлади.

Меҳмон иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли ва ўзаро манфаатли соҳаларини белгилаш, бу борадаги қонунчиликни ривожлантириш имкониятларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистонга келганини таъкидлар экан, самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Арманистон муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт коммуникациялари борасида алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

Суратда: *қабул пайти.* Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

13 июнь куни Тошкентда НАТО Илмий қўмитасининг кўчма мажлиси очилади. Шу муносабат билан алянс бош котибининг фан ва атроф-муҳит масалалари бўйича ўринбосари Жан Фурнэ мамлакатимизга ташриф буюрган. Тадбир арафасида меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Суҳбатда Ўзбекистон билан НАТО турли соҳаларда жуда яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатгани қайд этилиб, айниқса, ҳозирги кунда ўзаро муносабатлар ўзининг юксак чўққисига чиққани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон алянс доирасида амалга оширилаётган аксарият дастурларда фаол иштирок этмоқда. Тошкентда алянс илмий қўмитасининг кўчма мажлиси ўтказилаётгани эса Ўзбекистон — НАТО алоқаларининг қамрови кенгайиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Музокараларда Марказий Осиё минтақасидаги муаммолар билан бир қаторда, Ўзбекистон ҳамда НАТО ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, келажакда амалга оширилиши эҳтимол тутилаётган дастурлар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида «Математик лойиҳалар IBM PC — 2002» IV халқаро олимпиадаси бўлиб ўтди. Мазкур олимпиадада Америка, Германия, Венгрия, Руминия сингари 30 дан ортиқ мамлакатдан келган ўқувчилар қатори ўзбекистонлик 5 ўқувчи ҳам иштирок этди. Нукус шаҳридаги 32-мактаб ўқувчиси Рустам Султонов халқаро олимпиадада ғолиб бўлиб, олтин медални қўлга киритди.

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ НИГОҲИДА

— Ўлжас оға, аввало, вақтингиз нечоғлик тиғиз эканлигидан қатъи назар газетамиз саволларига жавоб беришга розилик билдирганингиз учун миннатдорчилик изҳор этамиз. Сиз Қозоғистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги ваколатхонаси доимий вакили бўлиб Францияда фаолият кўрсатаяпсиз. Сиёсат арбоби сифатидаги фаолиятингизни ижод билан қўшиб олиб бориш оғирлик қилмаяптими?

— Энг аввало, мен учун қадрли бўлган ўзбек ўқувчилари билан яна бир бор учрашиш имкони туғилганидан мамнунман. Сиёсат борасидаги фаолиятимга тўхталсам, бу ижодий ишимнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Айниқса бугун. Чунки ЮНЕСКО миллий маданият ва қадриятлар муаммоси, маданий меросни асраш билан шуғулланади. Ўзбекистон эса ер юзида юксак маданий меросга бой давлат ҳисобланади.

— Кўплаб шеърларингиз, китобларингиз ўзбек тилига ўгирилган. Ўзбек шоирлари ва ёзувчиларидан кимларнинг ижоди сизга кўпроқ таниш?

— Мен Ўзбекистоннинг деярли барча шоир ва ёзувчилари билан танишман. Таниқли шоирлар Абдулла Орипов ҳамда Эркин Воҳидов менинг яқин дўстларимдир.

— Ўзбекистоннинг дунё сиёсат саҳнасидаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон дунё харитасида яққол кўзга ташланиб қолган, хоҳ сиёсий, хоҳ маданий, хоҳ иқтисодий жабҳада бўлсин, мустаҳкам мавқеи бор мамлакат. Ўзбекистон қадимдан Марказий Осиё тарихида кучли таъсирга эга давлат саналган. Бугун ҳам шундай.

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ, шоир, Қозоғистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги ваколатхонаси доимий вакили:

«ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ХАРИТАСИДА ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНАДИ»

— Айни кунлардаги ижодий ишларингиз, режаларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Мен қадимтурк руний хати — «Ассирия даври» келиб чиқиши ҳақида китоб ёзаяпман. Ўрхун-Енисей алифбосида эрамиздан аввалги VII асрдаги арамий хатидан олинган кўплаб ҳарфлар мавжуд. Кейинги юз йилликларда эса арамий алифбосидаги ҳарфлар анча ўзгариб кетди. Бу ҳол арамийдан кейинги форс ёзувларида кўзга ташланади. Китоб устида ишлашимда Париж кутубхоналари менга кўмак бераяпти.

— Ўзбекистонда кўп бўлгансиз, қандай ёруғ воқеаҳодиса хотирангизда муҳрланиб қолган?

— Ўзбек ўқувчилари, тингловчи ва томошабинлари билан бўлган ҳар бир учрашув менда ёркин таассурот қолдирган. Тошкентда ва юртингизнинг кўплаб шаҳарларида шеърият кечалари ҳамда кино фестивалларида қатнашганман. Бу учрашувларнинг барчаси хотирамда муҳрланиб қолган.

— Ўзбек ва қозоқ халқи азалдан қавм-қариндош, илдизи бир халқ. Икки мамлакат президентлари халқларимиз орасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилишаяпти. Сизнинг назарингизда икки халқ ўртасида адабий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш учун нималар қилиниши лозим?

— Ҳаётимиздаги эзгу муносабатлар, ижодий анъаналар, қардош ёзувчилар, рассомлар, киночиларнинг учрашувларини изчил ўтказиб туришимиз зарур. Бундай учрашувлар, декадалар, адабиёт кунларида нафақат турли ташкилотлар, балки одамлар орасида ҳам самимий, илиқ муносабатлар пайдо бўлади. Халқлар дўстлиги энг аввало, одамлар орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик билан ифодаланади. Қачонки: «Мен Ўзбекистонни севаман», деб гапирсам, бунга, бу сўз ва туйғуга жўғрофик нуқтаи назардан ёки тушунчадан келиб чиқиб ёндашмайман. Балки, менга яқин бўлган, ўз ижоди ва фаолияти билан ҳаяжонга солган, сўзи ва илтифоти юрагимни илитган, ажиб таассуротлар уйғотган инсонлар кўз олдимда гавдаланади.

— Ўзбекистон ўз истиқлолини қўлга киритганига ўн бир йил бўлаяпти. Сиз халқимиз, ўзбекистонликларга қандай ниятлар билдирасиз?

— Қозоғистонга нисбатан қандай яхши ниятим бўлса, Ўзбекистон хусусида ҳам шундай ниятдаман. Мен тинч ва осуда Ўзбекистонга юксак тараққиёт тилайман. Биз дунёни халқларимизнинг умумбоғлиқлиги эвазига чуқурроқ англаймиз. Ҳар бир ўзбекистонликнинг умри узоқ бўлсин. Ўзбекистон давлатининг узоқ асрлар мобайнида янада гуллаб-яшнайверишини истайман.

«Бугун минтақадаги осойишталик ва тараққиёт кўп жиҳатдан сизнинг юртингизга боғлиқдир».

■ Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ХДП ХАБАРИ

САМИМИЙ СУҲБАТ

2002 йил 11 июнь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Миллий Демократик Институти (МДИ)нинг маслаҳатчиси д-р Пола Р.Ньюберг, ушбу нуфузли муассасанинг Грузия ва Қирғизистондаги вакиллари Скат Клейрет ва Диана Хаванскилар билан учрашув бўлиб ўтди.

Дўстона тарзда ўтган суҳбатда Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов мустақиллик туфайли мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларда Ўзбекистон ХДПнинг иштироки тўғрисида сўзлади ва меҳмонларнинг саволларига жавоб берди. Америкалик суҳбатдошлар 1984 йилда асос солиниб, дунёнинг 50дан зиёд давлатларида ўз ваколатхоналарини очган АҚШ МДИнинг, мазкур мамлакатларда демократик қадриятлар ва институтларни қарор топтиришга кўмаклашиш мақсадида, олиб бораётган ишлари хусусида ахборот бердилар. Улар, шунингдек, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ғоялари, жорий сиёсати, ўз тарафдорларини кўпайтиришга қаратилган ишлари, партиянинг тузилмалари ва аъзоларининг ижтимоий таркиби каби, кўплаб масалалар билан қизиқдилар. Мулоқот чоғида Ўзбекистонда бошланган парламент ислоҳоти муносабати билан мамлакатда демократиялаштириш жараёнларининг янада чуқурлашиши ва жамиятда сиёсий партиялар мавқеининг ошиши муқаррарлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, партиянинг республика Олий Мажлисидаги фракцияси раиси Изидор Кочмарик иштирок этди.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎЗБЕК КУРАШИ:

МАЪНАВИЯТ, АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

Алишер Навоий уч замондоши ҳақида улар вафотидан кейин маноқиб, яъни махсус асар ёзган. Шулардан бири — Паҳлавон Муҳаммад эди. Паҳлавон Муҳаммад замонасининг машҳур полвони, шу билан бирга, кўнгил кишиси, яхшигина шоир ва нозиктаъб шеършунос, мусиқа билимдони, Навоийнинг энг яқин кишиларидан бири эди. Ҳатто, Ҳусайн Бойқародек подшоҳ бирон-бир суҳбатини ана шу полвон иштирокисиз ўтказмас эди: «Ва Султон ус-салотиннинг ғариб шафқату улфати ва ажиб иноятуи нисбати Паҳлавон борасида бор эрди. Ҳеч суҳбат тиламаслар эрдиким, Паҳлавондин айру қилғайлар».

Демак, курашга давлат миқёсида эътибор бериш бизда азалий қадрият — темурийлар давридан қолган анъана эди.

Ёки хоразмлик жаҳонга машҳур курашчи ва шоир Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) хотирасини халқ, қаранг, XIV асрдан буён қандай эъзозлаб келади. Хиванинг Ичан қалъасидаги унинг мақбараси ҳозир ҳам юртимиздаги энг азиз қадамжолардан бири ҳисобланади.

Яна бир қиёс. 1999 йилнинг декабри эди. Бухорода муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг сайловчилар билан учрашуви бўляпти. Шунда Юртбошимиз бухоролик кўп-кўп тарихда ўтган, шунингдек, ҳозир ҳам ҳаёт машҳур кишилар номини санадилар ва улар қаторида курашимиз жонкуярларидан бири Комил Юсупов ҳақида алоҳида тўхталиб: «У ўзбек курашини жаҳонга олиб чиқди. У ҳам шу муқаддас заминда туғилган», — дедилар...

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида Ёзувчилар уюшмаси, Халқаро кураш академияси билан биргаликда ўтказилган «Ўзбек кураши — азалий маънавий қадриятимиз» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев, Халқаро кураш академияси президенти Н.Юсупов, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири С.Остонов, Халқаро кураш институти ректори Д.Қўлдошева, Халқаро кураш ассоциацияси бош котиби У.Ёқубов ва бошқалар курашимизнинг кенг миқёсда тараққий этаётгани, халқаро майдонга чиқиши, ўзбекча кураш атамалари бугун жаҳоннинг турли бурчакларида баралла жаранглаётгани, бу турни олимпия ўйинлари сирасига киритиш учун ҳаракатлар олиб борилаётгани, буларнинг бари мустақиллик шарофати экани ҳақида сўзлади.

Йиғинда республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан Халқаро кураш академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган ва шу асосда бундан буён курашимизни аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб ва ташвиқ этиш ишларини кучайтириш кўзда тутилаётгани қайд этилди. Чунки кураш ҳам маънавиятимизнинг ажралмас қисми.

■ Султонмурод ОЛИМ

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ИПНИНГ УЗУНИ ЯХШИ, ГАПНИНГ ҚИСҚАСИ...

СИРДАРЁДА «ТУҒИЛГАНУ БЎҒИЛГАН» БИР ДЕҲҚОН-ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ АТРОФИДАГИ «ҒАЛВА»ЛАРДА КИМ ҲАҚ, КИМ НОҲАҚ?

Тўғриси, ёзмоқчи бўлаётган ушбу мавзу ҳақидаги дастлабки маълумотлар таҳририятимизга келиб тушган кезлариданоқ (аниқроғи, 20-25 кун муқаддам!) «Фермер ёрдам сўрайди» **янги рукни остида зудлик билан мақола тайёрлаш режамиз ҳам йўқ эмасди. Лекин материаллар билан қайта-қайта танишиб чиққач, унинг мазмун-моҳиятида ўзгача бир «гап» борлигини сезгандек бўлдик. Келтирилган «фактлар», «далиллар», «исботлар»га кўра, воқеа «рўй берган» жойнинг ўзига бориш ва тафсилотлар «тарихи» билан танишиш зарурати борга ўхшади. Нима бўлгандаям, ипни узунроқ ташлаб, адолат юзасидан гапнинг ростини, очиғини айтиш керак эди-да! Бир эмас, икки бор боришга тўғри келди.**

«...«Ўзбекистон овози» газетасига. Сирдарё вилояти, Гулистон тумани «Янги ҳаёт» деҳқон-фермер хўжалиги уюшмасида яшовчи Кенжаев Каримдан ариза...

1998 йил 22 апрелда Гулистон туман ҳокимининг 208-қарори билан «Карим Кенжа» деҳқон-фермер хўжалигини ташкил қилдим. 1999 йил апрель ойи бошида ҳозирги ҳоким Мурод Игамназаровдан қишлоқ хўжалик воситаларидан ёрдам беришни сўрадим. У киши ёрдам ўрнига, атрофдаги «миш-миш»ларга ишониб, ўша йилнинг 27 апрель куни хўжалигимни ёпиб қўйди. Кейин мен оила пудрати ҳисобида ишлай бошладим.

(Бизнинг изоҳ: ёпилган фермер хўжалиги ўша йили 7 июлда туман ҳокимининг 429-қарори билан яна тикланган, аммо ариза муаллифи бу ҳақда лом-мим демаган?!)

...Орадан уч йил ўтиб, яъни ҳозирги 2002 йилнинг 10 январь куни ҳокимга «Ислом Карим» (?) номли янги фермер хўжалиги очишга рухсат сўраб ариза бердим. Аризам 14 февраль куни ҳокимнинг 95-қарори билан ижобий ҳал бўлди. Март ойи охиригача қийналиб бўлса-да, ўзимга яраша харажат билан ерни бир амаллаб ҳайдадим, 15 апрелгача чигит экдим. Қадалган уруғ 9-10 кун ичида юз фоиз униб чиқди.

(Эслатиб қўяйлик, бу деҳқон-фермер хўжалиги Кенжаевнинг турмуш ўртоғи — Мавлуда Назаралиева номига расмийлаштирилди.)

Аксига олиб, бу гал «Янги ҳаёт» деҳқон-фермер хўжалиги уюшмаси раиси Эргаш Ҳолиқов билан орамиздаги адоват ишимга тўғаноқ бўлди. У ҳокимга менинг ҳақимда нотўғри ахборотлар етказиб, хўжалигимизни (шу йил 19 апрель, 282-қарори билан) яна ёптириб қўйишга эришди. Устимдан прокуратурага, вилоят ҳокимига фитналар ёзишни уюштирди. Хўжаликнинг ёпилишига гўё вилоят ҳокимининг «ердан самарасиз фойдаланаётган фермер хўжаликларини ёпиб ташланглар...» деган кўрсатмасини важ қилдилар.

Чиндан ҳам ҳоким шу йил 11 март куни вилоят фермерлари йиғилишида раиснинг ғаразли ахборотларига таяниб, шундай кўрсатма берган эди. Шундан сўнг Эргаш Ҳолиқов гўзаси нақ яганага келиб қолган далаларимизни ўз поччаси — Абдухалил Пардаевга олиб берди. Хўжалигимиз аъзоларини ишлаб турган пайтида пайкалдан ҳайдаб чиқарди. Ҳозир 38 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари қаровсиз, сувсиз, ўт босган...» **ва ҳоказо-ҳоказо.**

Эътибор қилинг: туман ҳокимининг 2002 йил 14 февраль, 95-қарори билан «Ислом Карим» номли деҳқон-фермер хўжалиги фаолиятига рухсат бериляпти. Орадан 65 кун ўтиб, 19 апрелда ҳоким (ҳали юридик муҳри олиниб, банкда ҳисоб рақами очиб улгурилмасдан!) фермер хўжалигининг ер майдонларини «Янги ҳаёт» деҳқон-фермер хўжалиги уюшмаси ихтиёрига қайтариб олиш тўғрисида ўзининг 282-қарорини қабул қилмоқда...

Ким ҳақ?

Биз аризачи Карим Кенжаевнинг бири-бирига илова қилинган 15 бетдан иборат битикларидаги ўзи айтган шахсий адоват ва шахсий ғаразларга оид тафсилотларга, уюшма раҳбарлари ҳамда уларнинг қариндош-уруғларига нисбатан ёзган зардали сатрларига атай эътибор қилмадик.

(Давоми 2-бетда)

ҚАЙТА ТИКЛАШ ЯКУНЛАНДИ

Ўтган йил 11 сентябрь куни террорчилар томонидан содир этилган Пентагон биносидаги фожиадан сўнг бошланган бинони қайта тиклаш ишлари ниҳоят якунланди. Қурувчилар бинонинг 37 минг квадрат метр майдонини белгиланган муддатдан 1 ой аввал қайта тикладилар. Бу ишга 740 миллион доллар сарфланди.

КЕЧИРИМ СЎРАДИ

Уругвай Президенти Хорхе Батлье қўшни давлат Аргентинага нисбатан аччиқ гапларни гапиргани учун Аргентина Президенти Дуальдедан кечирим сўради.

Гап шундаки, Батлье ўтган ҳафта Аргентинага ташриф буюрди. У ерда Аргентина президенти билан бўлган учрашувда ўз хатосини тан олди: «Мен сиздан ва Аргентина халқидан кечирим сўрайман», — деди ўшанда Батлье мамлакат телевидениеси орқали намойиш этилган учрашувда.

Маълумотларга қараганда, Батлье ташрифдан аввал Bloomberg TV агентлигига берган радиоинтервьюсида қўшни давлат шаънига нисбатан дағал гапларни ишлатган эди. Яъни, икки мамлакат ўртасидаги халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш борасида берилган саволга Батлье: «Аргентинанинг муаммоси шуки, бу ерда ўғрилар галаси йиғилиб олган. Мамлакатда порахўрликнинг миқёси қандайлигини яхши биласиз», — дея жавоб берган эди.

DUNYO

VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

МОЖАРОНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДА

АҚШ Мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Деҳлига ташриф буюрди. Ташрифдан мақсад Ҳиндистон — Покистон можаросини тинч йўл билан бартараф этиш. Чоршанба куни у Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи билан музокаралар олиб борди. Энди у Покистонга ўтиб мамлакат Президенти Парвез Мушарраф билан учрашади.

ШОВҚИННИ ЙЎҚОТАДИ

Буюк британиялик олим Сельвин Райт яқинда шовқин таъсирини кесувчи «Silence Machine» («Сокинлик машинаси»)ни яратди. Бу асбоб компьютер ёрдамида шовқин ҳосил қилувчи товуш тўлқинини таҳлил этади ва унга қарши худди шундай тўлқин «ишлаб чиқаради». Қарабсизки, шовқин йўқолади.

Айнан шунга ўхшаш усуллар бугунги кунда реактив самолётлар шовқинини пасайтириш учун қўлланилмоқда. Аммо янги усул шуниси билан фарқ қиладики, у шовқин манбасини аниқ тўсиб, «товуш сояси»ни ҳосил қилади. Бошқача айтганда, у сизга ёқмаган ҳар қандай шовқинни йўқотиш хусусиятига эга.

Райтнинг айтишича «Сокинлик машина»си келгуси йилдан сотувга чиқа бошлайди.

ГЕНЕРАЛ-МАЙОР КОБУЛДА

Туркия армиясининг генерал-майори Акин Зорлу 199 нафар турк ҳарбийлари билан бирга Кобулга келди. У Афғонистондаги тинчликни сақлаш халқаро контингенти қўмондонлигини қабул қилиб олиш лозим. ISAF контингенти қўмондонлигини қабул қилиш маросими шу йил 20 июнь куни Кобулда бўлиб ўтади.

ШАҲРИСАБЗНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СОПОЛ ОСТАДОН СИРЛАРИ

ЁКИ ҚАДИМИЙ КЕШ БАҒРИДАГИ СИНОАТЛАР ҲАҚИДА

Тўқсон бешинчи йилнинг ёзи, харобага айланган «Чубин» мадрасасини таъмирлаш кетаётган кунлардан бири. Қурувчиларнинг олдига кексалар келишар, қадимги ғиштларнинг пишиқлиги, янтоқ ёқиб пиширилганлиги ҳақида суҳбат қуришарди. Мен бир неча бор шу жойга келгандим. Шунда ҳазилкаш қурувчи: «Боболаримиз олтин чиқиб қолишидан умидвор», дея ҳаммани кулдирганди.

— Асл олтин — юртнинг тупроғи, болам, — деганди ўшанда қариялардан бири оғирлигандай. — Шу тупроқдан ўтган усталар қандай ғиштларни пиширишибди, бир неча асрни кўрган. Бу ғиштларда кўп сир-синоатлар яширириб ётибди...

Донишманд қариялларнинг сўзларида ҳикмат бор. Соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллик тўйи ўтказилди. Кўплаб обидалар таъмирланди. Жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари ва юртимиз олимлари шаҳри Кешнинг дунё тараққиётидаги ўзига хос ўрни ва тарихини аниқлашга муваффақ бўлишди. ЮНЕСКО томонидан жаҳондаги энг ноёб осори-атиқалар рўйхатига киритилган Шаҳрисабзнинг бу йил 2700 йиллиги нишонланиши эълон қилинди. Шаҳар юбилейига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан ҳукумат қарори чиқди. Бу қадим шаҳар тарихини янада изчил ўрганишга даъват этади. «Чубин» мадрасасида жойлашган Амир Темур номидаги маданият тарихи музейи илмий изланиш масканларидан бири вазифасини ҳам ўтамоқда. Музейнинг деворлар билан ўралган ҳовлиси анча кенг. Қатор ҳужралар қурилган. Асосий бино — мадраса тўлиқ тикланган. Ғиштли иморат бўлгани туфайли хоналари салқин.

— Ҳозир 6,6 мингдан зиёд буюмлар сақланмоқда, — дейди музейнинг бўлим бошлиғи Аҳмаджон Тошев. — Улар асосан Китоб тумани ҳудудидаги Узунқир, Подаётоқтепа, Сангиртепа харобаларида олиб борилган қазишма ишлари давомида топилган. Шундан 30 дан ошиқ ноёб буюмлар кўргазмага қўйилган. Мана, бу Будда ҳайкалчаси. Бу ҳайкалчада Геракл ёки Прометей тасвирланган, деб тахмин қилинмоқда. Мана, бу сополдаги тасвирда елкасидан илонлар ўсиб чиқаётган Аҳраман девнинг боши ифодаланган, деган фараз мавжуд. Зардуштийлик, Кушон давлати, греклар босқини — барчаси сопол буюмларда аксини топган.

— Аҳмаджон, бу нодир топилмалар ўрганилганми?

— Энди ўрганилаяпти. Аммо улар шаҳри Кешнинг жаҳон маданияти ва шаҳарсозликдаги беқиёс ўрни, 2700 йиллик ёшини аниқлашда катта илмий аҳамиятга эга бўлди. Келинг, мен сизга музейимизнинг энг ноёб топилмасини кўрсатаман.

Бу — эни бир, баландлиги ярим метрлар чамасидаги қопқоқли сопол идиш эди. Гардиши лой безаклар билан ўралган. Юзасига суратлар чекилган. Маълум бўлишича, сопол идишнинг ҳар икки томонида бир хил тасвир бўлиб, ён томонига уларнинг ярми кўчган экан. Қопқоқни кўтарганимда, катта-кичик суякларга кўзим тушди.

— Мен Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультетининг археология бўлимида таҳсил олаётган йилларда ўқитувчимиз Н.Каршенникова талабаларни экспедицияларга олиб чиқарди, — ҳикоя қилади А.Тошев. — Қашқадарё, жумладан, Шаҳрисабз тарихини ўрганишда у кишининг хизматлари катта бўлган. Узунқир ёдгорликлари таркибига кирувчи Сангиртепадан 1983 йилда бронзадан ясалган ёй ўқини ҳам домламиз топгандилар. Бу сопол буюмни ҳам 1985 йилда Китоб туманидаги Севаз қишлоғидаги тепани қазаётганларида топганлар ва уйларида авайлаб сақлаб келганлар. Кейин музейимизга топширдилар.

— Илмий изланишлар маҳсули сифатида 1998 йилда «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Қадим Кеш — Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар» китобида бу буюмнинг расмини кўргандиму эътибор бермагандим, тузилиши ҳам ғалати.

— Бу сопол тобут, яъни остадон, — изоҳ беради А.Тошев. — У бундан 2,2 минг йил олдин ясалган, деган хулосага келинган. Остадонларга суяклар солиб ғорларда, тепаликларда сақланган. Бундан бошқа остадонлар мамлакатимизнинг турли жойларидан топилган. Аммо ўзига хос ясалиши, безаклари, айниқса, зардуштийлик динига оид удумлар акс этган суратлар билан безалгани жиҳатидан ниҳоятда ноёбдир. Қаранг, ўртада чилтор чалаётган аёл. Чап томонда ҳукмронлик белгисини ушлаб турган киши, ўнг томонида эса от яқинида ўтирган чавандоз тасвири. Эчки, эгарланган тулпор от, манқалда олов ёниб турибди. Мунажжим ёки Коҳин олдида Авесто китоби. Китоб юзасидаги тўрт белги — тўрт муқаддас унсур, яъни олов, сув, ҳаво, тупроққа ишора. Буларнинг ҳаммаси таҳминий мулоҳазалар. Бу ноёб буюмни кўриб кетган қадимшунос олимлар батафсил изоҳлаб беришса ажаб эмас...

Ҳа, қадимшунослик — игна билан қудуқ қазишдек машаққатли. Аммо нафақат шаҳри Кеш, балки юртимиз тарихини ўрганишда катта аҳамиятга молик буюмлар, хусусан сопол остадон сирларини тадқиқотчилар очишади, албатта.

Эътиборимни бошқа нарса тортди. Қалинлиги бир сантиметрча бўлган бу сопол идиш қандай қилиб икки минг йилдан ортиқ вақт ўтиб, бизгача бус-бутун етиб келди? Ҳатто қопқоғи ҳам дарз кетмабди. Бундай соз тупроқни қаердан олишган?

Саксонинчи йилларнинг бошларида Китоб шаҳрида сопол буюмлар заводи қуриб, ишга туширилди. Аммо ишлаб чиқариш бошланганда, тандир учун ишлатилган тупроқ ярамаслиги маълум бўлиб қолди. Исфара шаҳри яқинидан таркибида темир бирикмалари кўпроқ бўлган тупроқ келтирилиб, аралаштириб ишлатила бошланди. Барибир, буюмлар ёрилиб, сифат пасайиб кетаверди. Шундан кейин корхонанинг муҳандислари атроф туманларни излашга тушади. Шаҳрисабз шаҳрининг марказидаги маҳалла қадимдан «Кулоллик», деб атаб келинган ва кўплаб моҳир кулоллар шу жойда яшашган. Аммо улар тупроқни қаердан олишган? Кўп қидиришдан сўнг, Шаҳрисабз ва Яккабоғ тумани ўртасидан оқувчи Қизилдарё соҳилида соз тупроқ топилди. Бунга тасодиф ёрдам берди. Бир пайтлар немис ҳарбий асирлари Амир Темур номли ширкат ҳудудидаги «Ҳожимайдон» деган жойда черепица тайёрлайдиган корхона қуришган, анча маҳсулот ҳам чиқаришган экан. Бироқ бу унутилган, корхона молхонага айлантирилган. Айнан немис мутахассислари ишлатган тупроқ қадимги кулолларнинг зарур хомашёси бўлганлиги аниқланди. Айни пайтда Китобдаги кулолчилик корхонаси шу тупроқдан фойдаланяпти. Демак, қадим кулоллар соз тупроқни, ажойиб буюмлар ясашни яхши билишган. Икки минг йил юкига бардош берган ноёб сопол остадон бу сир-синоатларни бағрида яшириб турибди.

Яна бир гап. 1997 йилнинг 17 сентябрида Шаҳрисабз шаҳрида 17 хорижий давлатдан келган ва юртимиз олимлари иштирокида ўтган халқаро анжуманда «Авесто» китобида Кеш вилояти «Гава — Суғуда», яъни «Суғд манзили», деб аталгани биринчи бор тилга олинганди. Илк шаҳарни афсонавий ҳукмдор Қаюмарс бунёд этган деган фараз ҳам илгари сурилганди.

Афсоналар бағрида ҳақиқат ниҳон. Улуғ «Шоҳнома»нинг Қаюмарс шоҳга бағишланган достони ниҳоятда ибратли. Буюк шоир бундай дейди:

Ҳар нечук илмдан
эшитсанг сўз,
Уни тинмай ўрган
кечаю кундуз...

Умид шулки, қадим шаҳар тўйи тадориги даврида кўплаб осори-атиқалар, сир-синоатлар ўз илмий таҳлилини топажак.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

Ўзбекистон **ХДП Андижон вилоят кенгашининг** ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда О.Мадаминова ХДП Андижон вилоят кенгашининг котиби этиб сайланди.

Ўзбекистон **ХДП Нишон** ва **Яккабоғ туман кенгашларининг** пленумларида партия ташкилотларининг мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясидаги маърузасидан ва Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Пленумларда партия кенгашларининг биринчи котиблари А.Турдиев ва Ш.Музаффаровнинг маърузалари тингланди. Музокараларда иштирок этган партия фаоллари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳозаларини билдирдилар. Шунингдек, пленумларда жойлардаги партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишларни аниқ йўналишда ташкил этиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

ХДП Хоразм вилоят кенгаши ижроия бюроси йиғилишида, ХДП Хонқа туман кенгашининг биринчи котиби И.Ёқубовнинг туман партия ташкилотларининг аҳоли истиқомат жойларида олиб бораётган оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий ишлари ҳақидаги ҳисоботи муҳокама этилди. Йиғилишда бу борадаги ишларни фаоллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Партия **Сирдарё вилоят кенгаши** ижроия бюросининг мажлисида ХДП Ховос туман ташкилотларида ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш ва партия марказий нашрларига обунани давом эттириш масалалари кўриб чиқилди.

Жиззах вилоят кенгаши ижроия бюросининг кўчма йиғилиши Зарбдор туманида бўлиб ўтди. Унда ХДПнинг Экология дастурини бажарилиши, партия кенгашларининг кадрлар билан ишлаш, сайлов округларида партия тузилмаларини ташкил этиш каби масалалар муҳокама этилди. Йиғилишдан сўнг, унинг иштирокчилари — бюро аъзолари, шаҳар ва туман партия кенгашларининг масъул ходимлари «Зарбдор тумани сайлов округларида ҳудудий партия тузилмаларини ташкил этиш тажрибаси» мавзуидаги семинар-кенгашда қатнашдилар. ХДП Зарбдор туман кенгашининг биринчи котиби шу ҳақда маъруза қилди. Семинарда туман кенгаши депутатлик гуруҳининг раҳбари Д.Абдувоситов ҳозирги кунда сайлов округларидаги партия тузилмалари, уларнинг раҳбарлари — партиядан сайланган депутатлар олиб бораётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

Тошкент вилоят партия кенгаши, Чиноз тумани партия ташкилоти негизида, «Демократик ислоҳотларнинг янги босқичида ХДП ташкилотларининг вазифалари» мавзуида шаҳар ва туман партия кенгашлари котибларининг семинарини ўтказди. Унда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Қ.Юсупалиев сайлов округларидаги партия тузилмаларини ташкил этиш тажрибаси билан таништирди. Семинарда, шунингдек, партия ташкилотларининг оммавий-сиёсий ишларини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Семинар иштирокчилари «Чиноз тўқимачи» ўзбек-турк-япон қўшма корхонаси иши билан танишдилар.

Семинарни Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби С.Аъзамов олиб борди. Шунингдек, унда Чиноз туман ҳокими Ў. Абдураҳимов сўзга чиқди.

Учқўприк туман кенгаши 24-сон мактаб қошидаги «Дўстлик» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти негизида, иш ҳужжатларини юритиш ва ички партиявий интизом масалаларига бағишланган семинар ўтказди.

ХДП Андижон туман кенгашининг партия бошланғич ташкилотлари котиблари билан ўтказган йиғилишда фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга кўмаклашиш, партиявий интизомни кучайтириш, ҳудудий партия ташкилотлари ишини янада жонлантириш каби масалалар муҳокама этилди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда иқтидорли ўқувчилар таълим олмоқдалар. Улар бу даргоҳга танлов асосида олиниб, махсус дастурлар асосида ўқитилмоқда.

Ўқувчилар турли фан тўгаракларига жалб этилган. Айтайлик, Райҳона Нормуродова, Асрорбек Тошев, Ҳулкар Хўжамова иқтисод, Фарида Мадалиева немис тили, Сардор Зубтиев химия-биология, Улуғбек Каримов инглиз тили фанлари бўйича муваффақият қозонишяпти. Ҳилола Бобоёрова эса «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида илмий кузатишлар олиб бормоқда. Ўқувчилар орасида Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарларида ўтган кўрик-танловларда совринли ўринларга сазовор бўлганлар бор.

Лицей директори Хўроз Эралиев, раҳбар муовини Шоира Зайниддинова, Наим Равшанов, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Омонгул Холибекова, биология ўқитувчиси Фахриддин Бобоёров, физика ўқитувчилари Илҳом Хўжамов, Холмамат Курбоновлар ўзларининг билим ва тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатишмоқда.

Суратларда: 1. Компьютер хонасида. 2. Ёш физиклар. 3. Лицей директори Хўроз Эралиев билимдонлар орасида.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ИПНИНГ УЗУНИ ЯХШИ, ГАПНИНГ ҚИСҚАСИ...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Зеро, унинг баённомаларида тавсиф этилган «ўғирлади», «талон-тарож қилди», «еб қўйди-ичиб қўйди», «маҳаллийчилик қилди», «қариндош-уруғчиликка берилди» каби даъволар, наздимизда, мазкур мақоламиз мавзуига кирмайди. Гап —бу ерда бор-йўғи 2 ойгина «умр» кўрган, таъбир жоиз бўлса, «туғилгану бўғилган» деҳқон-фермер хўжалиги ҳақида кетаяпти.

Шу боис, биз туман ҳокимлигида туманнинг қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида, статистика бўлими, солиқ, прокуратура идораларида бўлиб, қатор ҳужжатлар билан танишишга, маълумотларга аниқлик киритишга, бўлиб ўтган суҳбатлар ва савол-жавобларни тасмаларга ёзиб олишга ҳаракат қилдик.

Мана, шундай ҳужжатлардан бири:

«...Гулистон туман ҳокимининг 1998 йил 22 апрелдаги 208-сонли қарори билан «Карим Кенжа» деҳқон-фермер хўжалиги ташкил қилиниб, «Янги ҳаёт» ДФХУсига қарашли 53-64 сонли контурлардан жами 47,0 гектар ер майдони ажратиб берилган.

Туман ҳокимининг 1999 йил 27 апрелдаги 327-сонли қарори билан бу фермер хўжалигининг фаолияти тўхтатилиб, 1999 йил 7 июлда туман ҳокимининг 429-сонли қарори билан фаолияти қайтадан тикланган.

Туман ҳокимининг 2000 йил 22 мартдаги 178-сонли қарори билан К. Кенжаевга қарашли бўлган 47,0 гектар суғориладиган ер майдонидан 25 гектарида унинг розилик билдириб ёзган аризасига кўра турмуш ўртоғи Назаралиева Мавлуда номига «Ислом Карим» номли фермер хўжалиги ташкил қилинган. Лекин бу фермер хўжалиги назорат қилувчи бўлимлардан тегишли тартибда РЎЙХАТДАН ЎТМАГАН.

«Карим Кенжа» фермер хўжалиги 1998 йилда 47,0 гектар суғориладиган экин майдонидан «Янги ҳаёт» ДФХУ сига 69180 кг. озиқабоп ем-хашак топширган.

1999 йилда давлатга 26,2 тонна пахта маҳсулоти топширган.

2000 йилда эса давлатга ҳам, «Янги ҳаёт» ДФХУсига ҳам умуман МАҲСУЛОТ ТОПШИРМАГАН.

Шунингдек, фермер хўжалиги 2001 йилда режа бўйича давлатга 46 тонна пахта ва 45 тонна ғалла топшириш лозим бўлса-да, давлат режасини УМУМАН БАЖАРМАГАН.

Туман ҚСХБ бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари В.Абдуллаев.

Туман статистика бўлими бошлиғи А. Ортиқмуродов»

Яна савол туғилади: Хўш, ким ҳақ?

Гапнинг очиғи, биз бу ерда қозилик вазифасини ўтамоқчи эмасмиз. Аксинча, ўз муносабатимизни билдириб, вужудга келган «ғалва»нинг адолатли ҳал бўлиши учун бугун ҳар икки томонга ҳам кўнглимиздан кечган саволларни бериб ўтмоқчимиз.

Энг аввло, тегишли идоралар эътиборига бир мулоҳазани айтмоқчимиз. Бирор жойга, хўжаликка, мактабга ва ҳоказо ном танлашда бироз бўлса-да, ақлни ишга солиб ўйлаб кўрилади. Одатда, бундай «иш»ларнинг ўз одоби, йўл-йўриғи, сиёсий-ижтимоий томонлари бор.

Мавлуда Назариалиева раҳбар қилиб тайинланган мазкур деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори бор. Лекин у нега тегишли тартибда назорат қилувчи бўлимлар рўйхатидан ўтмаган ёки туман статистика бўлими реестрида йўқ?

Нега «Карим Кенжа» деҳқон-фермер хўжалиги 1998 йилда 47 гектар майдондан атиги 64180 килограмм озиқабоп ем-хашак ёки 1999 йилда 26,2 тоннагина пахта топширганида экин майдонларидан самарали фойдаланиш масъулияти қонуний тарзда ундан сўралмади?

Ёинки, 2000 йилда фермер умуман маҳсулот бермаганлиги, 2001 йилда эса пахта, ғалла етиштириш режаларини уддаламаганлиги ва ерларга фақат ўзига керакли экинларнигина экканлиги каби ҳолатларнинг сабаблари нега вақтида аниқланмади?

Нега деҳқон-фермер хўжалиги фаолияти (етиштирилаётган маҳсулот, даромад) ҳақида туман солиқ идораси ҳужжатларида маълумотлар тўла қайд этилмаган?

Нега ҳар икки фермер хўжалигининг ташкилотлар, идоралар, лоақал уюшма билан тузган шартномаси йўқ?

Нега фермер жаноблари ҳам ўз тасарруфидаги пахта майдонларининг 5 гектарчалик ерида — ғўза қатор ораларига ловия экди?

Эътибор беринг: буғдой эмас, ловия! Ловия — «шўх» экин. У ғўза ниҳолларига берилган минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда «шарбатли» сувдан озиқланиб, кейин баравж ўсишини ва ён атрофга чексиз қулоч отиб, мурғак ниҳолларни тезда ўраб-чирмаб олишини ёш бола ҳам билади-ку?

Туман ҳокимининг таҳририятга факс орқали берган (2002 йил, 23 май, 01-147-рақамли) хатида айтилаяпти:

«...2002 йилнинг 11 март куни вилоят ҳокимлигида «Гулистон туманида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 1999-2001 йилларидаги пахта ва ғалла етиштириш бўйича эришган натижалари таҳлили тўғрисида»ги йиғилиш баённомасида қонун бузилиши ҳолларига йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилган. Уларни эътиборга олиб, Гулистон туман прокуратурасининг 2002 йил 9 апрелдаги «Карим Кенжа», «Ислом Карим» номли деҳқон-фермер хўжаликлари томонидан йўл қўйилаётган қонун бузилишларни бартараф қилиш ва келгусида бундай ҳолларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилаш тўғрисида»ги тақдимномаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунига асосланиб, «Янги ҳаёт» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган «Карим Кенжа», «Ислом Карим» фермер хўжаликларига бириктирилган ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланмасдан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чорасини кўрмаганлиги ҳамда 2000-2001 йилларда давлатга ғалла ҳамда пахта етказиб бериш бўйича шартномавий режаларини бажармаганлиги учун фермер хўжаликларига қараши жами 47,0 гектар ер майдони тўлиқ «Янги ҳаёт» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига қайтариб олинди. Хўжалик билан тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаларини бекор қилиш ҳақида туман ҳокимининг 2002 йил 19 апрелдаги 282-сонли қарори қабул қилинди ва ижрочиларга етказилди.

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан «Карим Кенжа», «Ислом Карим» фермер хўжаликлари фаолиятига алоқадор бўлган туман ҳокимининг 1998 йил 22 апрелдаги 208-сонли, 2000 йил 22 мартдаги 18-сонли, 2002 йил 14 февралдаги 95 ва 96-сонли қарорларининг тегишли бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди».

Туман ҳокими (Имзо, муҳр) М.С. Игамназаров»

Навбатдаги савол: агар бу адолатли ва қонуний жавоб бўлса, нега энди фермер Карим Кенжаев ҳар икки куннинг бирида Сирдарё — Тошкент ўртасида зир югуради?

Аризачи ўз шикоятида яна дейди: **«Янги ҳаёт» деҳқон-фермер хўжалиги уюшмаси ва хўжалик касаба уюшмасининг қўшма қарори билан мен хўжалик идораси ортидаги 2 хонали магазинга магазинчи қилиб тайинланганман. Лекин уни очиш ва ишлатишни ҳам пайсалга солдилар. Мен уни таъмирлаб бўлиб, рухсатни кутиб юрсам, раиснинг буйруғи билан Ҳакимов (?) деган кишига ижарага сотиб юборилибди. Мен осган қулфни бузиб киришибди...»**

Сўнгги савол: Карим Кенжаев икки деҳқон-фермер хўжалигида фермерлик қилмоқчими ё дўкон мудири бўлмоқчими? Тўғриси, бу саволлар бизга қоронғироқ бўлиб қолаяпти. Боз устига кунора бир оёғи вилоятда, бир оёғи пойтахтда бўлса?

...Хуллас, бошда айтганимиздек, узоқроқ ташлаган ипимизга «тизилган» аччиқ ва очиқ гаплар, «Нега? Нега?» деган саволлар ва холисона мулоҳазалар аниқроғи шулардан иборат.

Энди гапнинг қисқаси ва лўндасини республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошқа тегишли идоралар айтади, деган умиддамиз.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ХДП Сирдарё вилоят кенгаши вилоятдаги шаҳар ва туман партия кенгашлари шўъба мудирлари ва ҳисобчилари билан ички партиявий масалалар юзасидан семинар ўтказди.

ХДП Гулистон шаҳар кенгашида сайлов округларида партия тузилмаларини ишини жонлантириш, депутатларнинг жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига оид, ҳудудий (бошланғич) партия ташкилотлари котиблари, депутатлар иштирокида, йиғилиш бўлиб ўтди.

Янгийўл шаҳар партия кенгаши шаҳардаги автобустакси саройи бошланғич партия ташкилоти негизида, маърифат ва маданият масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда Ислом миллий университети шарқ тиллари кафедраси катта ўқитувчиси Р. Обидов, Янгийўл шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари С.Бойматов, ХДП Янгийўл шаҳар кенгаши котиби С. Абдуллаевалар маърузалар қилдилар. Уларнинг чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат парламентининг саккизинчи сессиясидаги маърузасини ўрганиш, Қарияларни қадрлаш йили тадбирлари, ёшлар тарбияси, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги масалалари тўғрисида сўз борди.

Қамаши туманидаги F.Ғулом номли мактаб бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида, фуқаролик жамиятини қарор топтириш, жамият аъзоларининг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш масалалари муҳокама этилди. Йиғилишда ХДП Қамаши туман кенгашининг биринчи котиби Ш.Бердиев сўзга чиқди.

Хонқа тумани марказидаги тўртинчи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ҳисобида 15 нафар партия аъзоси бор. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида, демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия бошланғич ташкилотининг вазифалари белгилаб олинди. Бошланғич партия ташкилоти котиби О.Собированинг ҳисоботида таъкидланганидек, партия аъзолари аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб боришмоқда, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда халқ таълими бўлими ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилаяптилар — фахрийларнинг хонадонларини таъмирлаш ишларида кўмаклашдилар.

Бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан, 12 нафар кексаларнинг оромгоҳларда бепул дам олишлари ташкил этилди.

ХДП Навоий шаҳар кенгаши, Американинг «Винрок-интернейшнл» жамғармаси вакиллари билан ҳамкорликда, Хатирчи туманида гендер тенглиги, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оиладаги зўравонликнинг олдини олиш мавзуларида семинар ўтказди. Унда партия фаоллари, маданият ходимлари ва давлат ҳокимияти идораларининг хизматчилари фаол иштирок этдилар.

ПАРТИЯ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Партия ташкилотлари оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир давлат дастурини бажаришга кўмаклашиш мақсадида жумладан, меҳнат жамоаларининг болалар уйлари ва кўп болали оилаларга оталиқ қилишларини, уларга ўз маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатишларини уюштирмоқдалар. Масалан, **ХДП Навоий шаҳар кенгаши,** шаҳардаги «Нафосат» номли 25-сон болалар боғчаси тарбияланувчиларига 50 минг сўмлик ўйинчоқлар совға қилди.

Тўрткўл туман партия кенгаши ХДПдан сайланган депутатлар — У. Машарипов, А. Алашукуров, Ш. Сабуровларни жалб этиб, ногирон болаларга йўқловлар уюштирди.

Тахиатош шаҳридаги «Тахиатош нефтбазаси» корхона бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан, «Болалар уйи»ни таъмирлашда ёрдам берилди ва тарбияланувчиларга совғалар ҳадя этилди.

«Тахиатошдон» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан, шаҳардаги, «Болалар уйи»нинг 39 нафар тарбияланувчисига тўла уст-бош, кийим-кечак ва 10 минг сўмдан маблағ ажратилди.

Андижон шаҳар, Олтинкўл, Бўз, Жалақудуқ, Асака, Марҳамат, Пахтаобод, Шуманай туман кенгашлари Мехрибонлик уйлари, интернатларда тарбияланаётган болаларга, маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар фарзандларига совға-саломлар улашдилар.

Мўйноқ, Сирғали ва Зангиота туман кенгашлари фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан, болаларнинг концерт дастурлари, асфальтда расм чизиш кўрик-танловлари, шахмат-шашка бўйича мусобақалари ташкил этилиб, ғолибларга совғалар топширилди.

ХДП ҲАЁТИДАН

КЕКСАЛАР ҲУРМАТДА, БОЛАЛАР ИЗЗАТДА

Уруш ва меҳнат ногиронлари ҳамда фахрийлари республика пансионатида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши томонидан ташкил этилди. Мулоқотда ХДП дастури ва унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни хусусида атрофлича фикр юритилди.

24-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларининг концерт дастурлари тадбирга ўзгача файз киритди, кўнгилларни чароғон этди.

Тадбир ниҳоясида пансионатда хизмат қилувчи 12 нафар, ХДП сафига қабул қилинган, тиббиёт ходимларига аъзолик билетлари берилди.

Шу кунларда, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан, уюштирилаётган тадбирлар давом этмоқда.

Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгаши ва «Қушбеги-8» маҳалла кенгаши ҳамкорлигида қизиқарли тадбир бўлиб ўтди. У маҳалла болажонларини қулай ва шинам «Жин Жу До» кафесида тўплади.

Маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фахрий санъаткор Руфат Сулаймонованинг эсдаликлари, санъат ҳақидаги суҳбат кичкинтойларда унутилмас таассурот қолдирди.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

ТАБИАТНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

ЗОМИН БОҒИ — ХАЛҚ БОҒИ...

(24.110 ГЕКТАР ТОҒЛИ ҲУДУДНИ ЭГАЛЛАГАН БУ ЖАННАТМАКОН ГЎША МАФТУНКОР ШВЕЙЦАРИЯ БИЛАН ҚИЁСЛАНАДИ)

БИРИНЧИ МАҚОЛА

«Жиззах воҳасининг гўзал ва бетакрор гўшаларини, Бахмал ва Зомин манзараларини бир кўрган киши бу жойларга мафтун бўлиб қолиши муқаррар».

Ислом КАРИМОВ

Швейцарияда бўлмаганмиз. Лекин Зомин Халқ боғида бўлганимизда, унинг сулув табиати, бетакрор гўзалликлари қаршисида ҳайрону лол қолганимизда Швейцариянинг нақадар мафтункор, нечоғли дилтортар диёр эканлигига имон келтирдик. Жаҳондаги энг хушманзара, энг баҳаво масканлар билан қиёсласа арзигулик шундай ажиб хилқатлари бор юртда яшаётганимиздан ғурурландик ҳам. Саратондаям чўққисидан қор аримас пурвиқор тоғлар бағрида кездик, арчазор боғлар ораладик. Табиатнинг беқиёс гўзалликлари олдида лол қолдик. Тик қоялар қўйнида қўним топган сор бургутнинг парвозидан ҳайрат туйдик. Тоғбеги-ю, ўрмончилар, сайёҳлару дам олувчилар билан суҳбатлар қурдик.

Зомин Халқ боғига 1978 йилда асос солинган. Бундан асосий мақсад — инсон учун ҳаётий аҳамиятга эга атроф-муҳитни, ўсимликлар олами-ю, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўлган. Бу билан келажак авлод учун табиатни бус-бутун ҳолда сақлаб қолиш, фарзандларимиз, невара-чевараларимизнинг ҳам ундан маънавий озиқа, эстетик завқ олишларига имкон яратиш кўзда тутилган.

Мутахассислар фикрича, Шимолий Туркистон тоғ тизмалари ён бағирларидаги хушбўй арчазорларга бурканган чўққилар пойида ястанган Халқ боғи учун ажратилган ҳудуд Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи Ассамблеясида қабул қилинган «Миллий боғлар тўғрисидаги таъриф»га мос тушади. Унинг денгиз сатҳидан баландлиги шимолда 1000 метр бўлса, жанубда 4000 метргача етади.

Бахмал ва Зомин туманларини туташтирувчи автомобиль йўли боғ ҳудудини кесиб ўтган. У сизни турфа хил гуллару ўт-ўланларга бой, қишин-ёзин яшнаб турувчи игнабаргли арчалари, мўл сойлару даралар оша олиб ўтади. Боғ асосан Еттикечувсой, Ўриклисой, Иргалисой ва Усмонлисой ўзанлари бўйлаб жойлашган. Унинг ҳудудини шартли равишда иккига бўлиш мумкин. Биринчиси — ноёб тоғ-арчали экотизим, иккинчиси — рекреакцион зона, яъни инсоннинг жисмоний, маънавий кучларини тиклаш, дам олишини ташкил этишга хизмат қилувчи ҳудуд.

Боққа Зомин тарафдан кираверишдаги Ўриклисой манзараларига маҳлиё бўлмасликнинг иложи йўқ. Ўриклисой билан Шариллоқсой қўшилган жойгача ўрлаб борган тор даралар шу ерга келганда ногоҳ ортга чекингандай бўлади ва кенг сайхонлик бошланади. Сойнинг қирғоқлари қалин арчазорлар билан қопланган. Ён-атрофдан кичик-кичик жилғалар Ўриклисойга келиб қуйилади.

Сой бўйлаб юқорига кўтарилсангиз Мирзаўлан довонига борасиз. Бу ердан Туркистон тизма тоғлари кафтдагидай кўзга ташланади. Сўнгра боғнинг ўзига хос хилқати Шариллоқсойдан чиқасиз. Унинг юқорисида сунъий шаршара барпо қилинган. 100-120 метр баландликдаги тик қоялар бағридан отилиб чиқётган шаршарадан, атрофга сочилаётган биллур томчилардан кўз узолмайсиз, асабларингиз ором олгандай, ҳузур-ҳаловат топгандай бўласиз.

Бораверсангиз, боғнинг марказий қисми — Супадан чиқасиз. Шу ерда бир зумгина нафас ростласак, қарши эмасмисиз? Ҳойнаҳой, пастдан юқорига кўтарилиш чоғида кўз олдингизда намоён бўлаётган манзараларнинг ҳам, иқлимнинг ҳам ўзгариб турганлигига эътибор бергандирсиз? Йўл-йўлакай майдалаб ёғаётган ёмғирнинг, савалаб ўтган дўлнинг, офтоб чарақлаб турган онлару, булутли лаҳзаларнинг гувоҳи бўлмадикми?! Пастликка қаранг! Шундоқ пойингизда булутлар сузиб юрибди. Ҳозир сиз денгиз сатҳидан 2400 метр баланддасиз ва уста рассомлар ҳам ўхшатиб чизолмайдиган мафтункор, ноёб манзарани кузатиш имконига эгасиз.

Бу ердан атрофга таралиб кетган Чортанги дарасини томоша қилиш нақадар мароқли. Даранинг тош деворларида бургутларнинг уялари. Шу яқин орада номи кетган Тошбулоқ бор. Унинг суви тошлар орасидан чиқади. Ҳовучингизни тўлдириб симирсангиз танангиз яйрайди. Тўйиб-тўйиб ичсам дейсиз...

— Тошбулоқнинг сувидан ичмабсиз — дунёга келмабсиз, — дейди ҳазил аралаш Халқ боғи раҳбари Алишер Хўжаев. — Айтишларича, бу сув кўп хасталикларга шифо эмиш. Айниқса, нафас йўллари, ўпка шамоллаши, ошқозон-ичак касалликларига чалинганларнинг дардларига даво. Янаям ким билади дейсиз? **Уни олимларимиз, шифокорларимиз бир текшириб кўришсайди, хулосалар беришсайди... Балки чиндан ҳам бу сувнинг хислатлари кўпдир. Нима бўлгандаям, у тоза ва мусаффо.**

Дурбиндан атрофни кузатамиз. Тип-тикка қоя тошлар оралиғидан учиб чиққан бургут даранинг тубига шўнғийди. Зум ўтмасдан ўлжаси — каттагина тулкини чангалида кўтарганча қоя тошлар ортида кўздан ғойиб бўлади.

«Оқманқал» деб аталган жойдаги қалин арчаларнинг хушбўйидан маст бўласиз. Ҳавоси шу қадар енгил, шунчалик тозаки...

— Кўраяпсизми, табиат бизга қандай неъматлар инъом этган?! — деди Абдулла Қодирий номидаги Жиззах педагогика институти биология ва уни ўқитиш кафедрасининг мудири, биология фанлари номзоди Саид Эсонқулов. — Кўпгина дарахтларнинг барглари карбонат ангрид ютиб, кислород чиқариб туриши ҳам табиат мўъжизаси эмасми? Масалан, учта дарахт бир кишини, бир гектар дарахтзор эса 200 кишини кислород билан таъминлашга қодир экан. Бу борада арчага тенг келадигани йўқ. Бир гектар арчазор бир йилда 13 тонна кислород чиқаради. 13 тонна-я! Шунинг учун ҳамки, арчазор ўрмонлар ҳавоси тоза ва беғубор. Бу ерларда яшаётганларнинг узоқ умр кўришлари сири ҳам шунда!

— Жануб ва жануби-шарқда баланд-баланд чўққилар мавжудлиги ва шимол томоннинг очиқлиги ҳудуд иқлимига таъсир кўрсатиб, салқин келади, — дейди бош нозир Баҳодир Латипов. — Боғнинг ўрта ҳамда юқори қисмида саратондаям ёмғир ва дўл ёғиши кузатилган. Бу ерларда 180 кунгача, чўққиларда эса йил бўйи қор бўлади. Табиат шайдолари боғнинг энг гўзал жойлариниям томоша қилиш имконига эга. Пастбаланд водийлар, қояли ён бағирлар, тоғ қирралари ва осмонга елка тираган чўққилар дам олишни ташкил қилиш, туризм ва альпинизмни йўлга қўйиш учун қулай. **Бу борада вилоят ва республикамизнинг тегишли ташкилотлари ўйлаб кўрсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.**

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БИР ОЙ ВА БИР ЙИЛ

Қўшнимиз Искандар аканинг ота-онаси пилла қурти боқарди. Энди унинг фарзандлари шу юмушни йигирма йилдан буён бажариб келаяпти. «Бир қути қурт боқиб, 60 кило пилла топширдик, барг етмай роса қийналдик», — дейди у.

Бу рост гап. Китоб, Шаҳрисабз туманида озуқа етишмади. Хуллас, бу йил вилоят бўйича 26226 звено 41566 қути қурт уруғи парвариш қилинди. Шундан 23666 қути уруғ Хитойдан келтирилган эди. Жами 2100 тонна пилла етиштирилди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 50,9 килограммдан маҳсулот топширилди. Сабоқ шулки, озуқа учун тутларни кўпайтириш, парваришлаш лозим. Чунки пилла боқишнинг бир ойлик меҳнати роса бир йилга татийди. Пилла эса юртимизнинг катта бойлиги.

■ **Юнус ЮСУФ ўғли**

МАҲАЛЛАДА УЛГУРЖИ БОЗОР

Ғиждувонда тадбиркору ҳунарманд кўп. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар харидоргирлигини ошириш учун тумандаги деҳқон бозори камлик қилди. Шу боис маҳаллаларда моддий-техника ресурслари бозорига эҳтиёж сезилди. Шаҳарнинг Акмал Икромов маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган ана шундай бозор ўзини оқлади. Маҳалла фуқаролари шу ернинг ўзида ҳам харид, ҳам тарғиботдан баҳраманд бўлишяпти.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

ХУШХАБАР

РЕЖА БАЖАРИЛДИ, ЎРИМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

— Ўтган йилнинг кузида ширкат хўжалигимиз ғаллакорлари 470 гектар майдонга яхши ният билан уруғ қадаган эдилар. Ана шу далалар 103 нафар оилавий пудратчига бўлиб берилди. Уларнинг ишига ҳеч бир раҳбар аралашгани йўқ. Фақат вақти-вақти билан мутахассисларимиз ўз маслаҳатларини бериб туришди. 2001 йилда ғалла етиштирган оилавий пудратчиларнинг ҳар бири камида 2 тоннадан ғалла олди. Ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлган деҳқонлар бу йил ҳам мўл ҳосил тўплашди.

Ғаллакорлар бир ҳафта ичида 1600 тоннадан кўпроқ ғалла ўриб-йиғиб олиб, унинг 1100 тоннасини давлатга сотдилар. Шартномавий режа ортиғи билан уддаланди. Бунёд этилган хирмонда Барно Хиллаева, Жовмурод Ойтугапов, Ҳусан Дўсов, Шуҳрат Қодиров, Баҳриддин Бегимов, Ислом Вафоев, Дилфуза Мухторова бошлиқ оилавий пудратчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Мазкур жамоаларда ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 60 центнердан хирмон кўтарилди.

Ўз имкониятларимизни ҳисобга олиб, яна 400 тонна уруғлик ғалла жамғариш, режага қўшимча 100 тонна сара дон топшириш мажбуриятини олдик. Ўрим-йиғимда замонавий «Кейс» русумли комбайнни моҳирона бошқараётган Шокир Раҳматовнинг хизматини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

■ **Жолмурод ЁРМАТОВ, Термиз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби.**

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ КЕЛГУСИ ОЙДА БЎЛАДИ

Ҳиндистон президентлигига навбатдаги сайловлар шу йил 15 июлга белгиланди. Бу ҳақда Ҳиндистон ҳукумати вакили хабар берди. Сайловларда Ҳиндистон парламентининг иккала палатаси депутатлари иштирок этади. Овоз беришнинг натижалари 3 кундан сўнг маълум қилинади.

Мамлакатнинг ҳозирги Президенти Кочерил Роман Нараяннинг президентлик ваколати шу йил 24 июнда тугайди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛАДИ

АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мамлакатдаги тахминан 15 минг кимё корхоналарини бирма-бир кўрикдан ўтказишга қарор қилди. Текширувдан мақсад, террорчилар кимё заводларидан биологик қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган террорчилик ҳаракатига қарши тура олиш қобилиятини ўрганишдир.

Барча корхоналар қутилмаган вазиятларда токсик моддаларнинг тарқалиш хавфини камайтириш бўйича режа ишлаб чиқишга киришди.

Текширув Оқ уйнинг мамлакат ички хавфсизлиги бошқармасининг муассасаларо гуруҳи раҳбарлиги остида олиб борилади.

МАМЛАКАТДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛДИ

Бельгия қироли Альберт ва Германия Президенти Йоханнес Рау Бельгия ҳарбий қўшинини Германия ҳудудидан олиб чиқиб кетишга бағишлаган маросимда қатнашди.

Иккинчи жаҳон уруши якунлангандан кейин, яъни 1955 йили Германия НАТОга аъзо бўлиб киргач, собиқ советлар хавфига қарши куч сифатида Бельгия ҳарбий қўшини Германияда қолдирилишига қарор қилинган эди. Шундай қилиб, 1970 йилларда Германияда хизмат бурчини ўтаётган Бельгия ҳарбийлари оиласи билан ҳисобланганда 70 минг нафарга етган эди. Варшава шартномаси инқирозга учрагач, қўшинлар сони анчага қисқартирилди. 2002 йил февралга келиб улар 2000 нафар эди.

Ўтган йил мартда Германияда қўним топган 17-механизациялашган ҳарбий бригадани тугатиш борасида Бельгия ҳукумати қарор чиқарган. Шу қарорга асосан ҳарбий қўшинни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш 2005 йилга бориб якунланади.

АЁЛ БРИГАДА ГЕНЕРАЛИ

Исроил армиясининг матбуот котиблигига биринчи марта аёл киши тайинланди. Руф Ярон ҳозир 45 ёшда. Аслида Жазоирда туғилган бу аёл тақдир тақозоси билан Исроилда яшамоқда. У аввал АҚШ ва Канадада дипломат сифатида фаолият юритган. Руф Ярон янги лавозимда июлдан расмий иш бошлайди. Ўшанда унга бригада генерали ҳарбий унвони берилади.

АВСТРИЯ КЎЧАЛАРИДА

НАМОЙИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Маълумки, Россия терма жамоасининг футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги биринчи мағлубиятидан сўнг футбол мухлислари томонидан Москва кўчаларида фожиавий тартибсизликлар содир этилганди. Улар футболни кўчаларда ўрнатилган катта экранларда томоша қилишганди. Эндиликда Россия Ички ишлар вазирлигининг қарорига кўра, кўчаларда жаҳон чемпионати ўйинларини намойиш этиш чекланди. Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Васильевнинг таъкидлашича, одамлар хавфсизлигини таъминлаш қийин бўлган жойларда футболни катта экранларда намойиш этмасликка қарор қилинди. Вазир ўринбосари оммавий тартибсизликлар энди қайтарилмаслигига кафолат берди.

Шунингдек, футболни кўчаларда намойиш этиш Японияниг Хиросима ва Сайтама шаҳарларида ҳам тақиқланди. Негаки, охирги икки кунда бу шаҳарларда ҳам футбол мухлислари томонидан оммавий тартибсизликлар содир этилган.

ЯНА СУВ ТОШҚИНИ

Яқинда Марказий Америка, Гаити, Коста-Рика, Чили, Гватемала, Панама, Ямайкада кучли ёмғир ёғиши оқибатида сув тошқини юз берганлиги ҳақида хабар берган эдик. Энди Хитойнинг ғарбий вилоятларида ҳам худди шундай табиий офат юз берганлиги ҳақида Интернет хабар тарқатди. Натижада 38 киши оламдан кўз юмди, 100 дан ортиқ одам дом-даракси йўқолди.

Xinhua ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, кучли сув тошқинлари Цинхай вилоятида ва Синьцзян-Уйғур автоном туманида қайд этилган. Сиан шаҳри яқинидаги Вайхэ дарёси тошиши оқибатида 150 метрлик катта кўприк ҳам сувда оқиб кетди. Маълумотларга қараганда, кўприк бузилишидан 3 минут аввал бу ердан йўловчи поезди ўтган. Эндиликда шу кўприкдан ўтадиган 300 дан ортиқ поезднинг қатнови тўхтатилган. Ханчжун шаҳрининг айрим туманларида сувнинг баландлиги 1,5 метргача кўтарилган. Натижада 1400 та уй сувга ғарқ бўлган, 500 гектар экинзор яроқсиз ҳолга келган.

Шунингдек, Россиянинг Челябинск вилояти ва Бошқирдистон Республикасининг маълум бир қисмида ҳам сув тошқини қайд этилди. Кучли ёмғир оқибатида Сим, Катав ва Юрюзан дарёларида сув сатҳи кўтарилиб бормоқда. 1070 та уйни сув босди.

Мексикада эса кучли тропик пўртана давом этмоқда. «Борис» дея номланган бу пўртана кучли шамол ва ёмғири билан Халиско, Колима ва Герреро штатларини «ялаб» ўтди. Ҳозирча пўртанадан жабр кўрганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

СПОРТ

«ЖАР»ГА ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз пойтахти йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Тарихий қисқа вақт — 10 йил мобайнида Шарқ дарвозаси бўлган Тошкент шаҳрида қанчадан-қанча янги, гўзал иморатлар, мухташам сарой ва кўркам хиёбонлар барпо этилди. Ана шундай ажойиб иншоотлардан бири пойтахтнинг кўҳна маркази Эски Жўва яқинида қад кўтарган «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуидир.

— «Жар» қурилмасдан олдин бу ерлар қай аҳволда бўлганини тошкентликлар жуда яхши билишади, — **деди суҳбат чоғида мажмуа бошлиғи Абдусалом Исохўжаев.** — Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 1998 йилда барпо этилган мажмуанинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида «Жар»ни республика Ички ишлар вазирлиги ўз тасарруфига олган.

Дастлаб, бу ерда асосан спорт билан ички ишлар ходимлари шуғулланар эди. Лекин бу билан чекланиб қолишни истамадик. Биз яқин атрофдаги маҳаллалар қўмиталари раислари, оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб, болаларни мажмуада шуғуллантиришни йўлга қўйдик. Натижада бугунги кунда турли ёшдаги олти мингдан зиёд киши спортнинг кураш, сузиш, каратэ, футбол, теннис, дзюдо, бокс, гимнастика каби 17 тури бўйича мунтазам машғулотларда қатнашмоқда. Бу масканда 78 та ўқув гуруҳи ташкил этилган ва тўгаракларда 32 нафар малакали спорт мураббийси ишлайди.

Мажмуа қошида тиббий-диагностика соғломлаштириш марказини очганмиз. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу марказда малакали мутахассислар фаолият юритади. Спортчилар доимо шифокорлар назоратида туради.

— Мазкур спорт-соғломлаштириш мажмуасидаги тўгаракларга қатнашишни истаганлар учун қандай имтиёзлар бор?

— Албатта, бу даргоҳдаги шарт-шароитлар кўпларнинг ҳавасини келтиради. Меҳнат жамоамиз «Жар»га ташриф буюрган ёшларнинг ноумид бўлиб кетишини истамайди. Бу масканда ўз хизмат бурчини ўтаётган чоғида ҳалок бўлганлар, ногирон бўлиб қолганлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотганларнинг фарзандлари, мурувват уйларининг тарбияланувчилари спорт билан текин шуғулланишади. Шунингдек, ўн икки ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун пуллик тўгаракларимиз бошқа жойлардагига қараганда бир мунча арзон.

— Тўғриси, «Жар» каттагина ҳудудга эга. Бу ерга келган одам бироз адашиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Мажмуада стадион, учта сув ҳавзаси, саккизта спорт зали, теннис кортларидан ташқари яна қандай бўлимлар мавжуд?

— 1999 йили Адлия вазирлиги билан биргаликда «Оила ва Жамият» маркази очилди. Турмуш қураётган ёшлар шу ерда тиббий кўрикдан ўтказилади, никоҳга тайёрланади. Чунки, ёшларимиз оила қураётганида уларнинг жисмоний ҳолатлари, соғлиғи талабга жавоб бериши керак.

Шунингдек, мажмуамизда 2000 йилдан буён 25 ўринли реабилитация маркази ишлаб турибди. Спортчи ҳам «иссиқ жон» — шамоллаши, касал бўлиши бор. Қолаверса, кимдир жароҳатланиши мумкин. Шундай вақтда беморлар реабилитация марказида даволаниб, қайта тикланиш курсларида ўз соғлиғини мустаҳкамлаб олади. Бундан ташқари, сартарошхона, тикувчилик цехи, савдо растаси, ошхона каби аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳам фаолият юритмоқда.

— «Жар»да нуфузли халқаро мусобақалар, республика миқёсидаги биринчиликлар, турнирларни тез-тез ўтказиш анъанага айланиб қолди...

— Ҳа, албатта. Юртимизда қайси спорт мажмуаси ўзбекнинг ифтихори бўлган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатига мезбонлик қилгани билан фахрлана олади?! «Жар»да нафақат кураш, балки бошқа спорт турлари бўйича ҳам халқаро турнирлар, республика биринчиликлари ўтказиб келинмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида қирқдан ортиқ мусобақа ўтказилди. Жумладан, спорт тарихида биринчи марта аёллар ўртасида самбо фестивали ҳам айнан «Жар»да бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз миқёсида ҳам «Жар» фаолияти юқори баҳоланмоқда. 2001 йили Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан «Жар» «Энг яхши спорт мажмуаси», футбол майдонимиз эса ЎФФ томонидан «Республикадаги энг сифатли майдон», деб топилди.

— Келажакдаги режаларингиз қандай?

— Бу йил «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси қошида ҳуқуқий-ҳарбий спорт мактаб-интернати ташкил қилиш ниятидамиз. Бу даргоҳда ўз хизмат бурчини ўтаётганда ҳалок бўлганлар, ногирон бўлиб қолганлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотганларнинг фарзандлари, мурувват уйлари тарбияланувчилари ўқитилади. Албатта, улар орасидан махсус синовлар ўтказиб, талабларга жавоб берадиганларини танлаб оламиз ва элюртга хизмат қиладиган етук мутахассисларни етиштириб берамиз. Айни пайтда республикамизда ҳарбий лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Лекин биз ташкил қилмоқчи бўлган мактаб-интернат ўзига хос бўлади. Бунинг учун «Жар»да ҳамма шарт-шароит мавжуд.

■ **Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ суҳбатлашди**

ЎРИНБОСАРЛАР КЎРИГИ

Эртага Москвада МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўсмирлари спорт ўйинлари бошланади. Мусобақа дастуридан спортнинг 17 тури жой олган. Ватанимиз спортчилари юнон-рум кураши, самбо, бадиий ва спорт гимнастикаси, енгил атлетика, сузиш, теннис, стол тенниси, қиличбозлик, шоҳмат каби турлар бўйича иштирок этади.

Бугун вакилларимиз ушбу халқаро ўсмирлар спорт ўйинларида иштирок этиш учун жўнаб кетишади. Москва майдонларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган етмиш тўққиз нафар спортчи орасида республикамизда мунтазам ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ҳамда кўплаб халқаро мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари бор.

✧✧✧

Суратда: *Ўсмирлар ўйинларида қатнашадиган спортчиларимиздан бир гуруҳи.*

■ **(ЎзА) олган сурат**

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

2002 FIFA WORLD CUP KOREA JAPAN SEOUL

Чемпионат мусобақалари тасодифларга бой бўлмоқда. Французлар ниятларига етолмай қолишди. Чемпионатда илк марта қатнашаётган Сенегал терма жамоаси нимчорак финалга йўлланма олди.

«Е» гуруҳида ҳам иккита учрашув бўлди. Камерунликлар дарвозасига Германия футболчилари иккита тўп йўллашган бўлса, ирландлар Саудия Арабистони дарвозабонини уч бор лол қолдиришди.

Кеча «F» ва «В» гуруҳларида иккитадан ўйин бўлиб ўтди. Мухлислар Швеция — Аргентина учрашувига қизиққан эдилар. Боиси, Швеция жамоасида тўртта, Аргентина футболчиларида учта очко тўпланган эди. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Нимчорак финалга ким чиқиши масаласи гуруҳдаги Нигерия — Англия жамоалари ўйинига боғлиқ эди. Афсуски, бу учрашувда ҳисоб очилмади. Шундай қилиб, Швеция ва Англия терма жамоалари курашни давом эттирадиган бўлишди.

Иккинчи босқич ўйинлари олдидан гуруҳларда аҳвол қуйидагича:

«А» гуруҳи

	Ю	Д	М	Т	О
1. Дания	2	1	0	5-2	7
2. Сенегал	1	2	0	5-4	5
3. Уругвай	0	2	1	4-5	2
4. Франция	0	1	2	0-3	1

«Е» гуруҳи

	Ю	Д	М	Т	О
1. Германия	2	1	0	11-1	7
2. Ирландия	1	2	0	5-2	5
3. Камерун	1	1	1	2-3	4
4. С. Араб.	0	0	3	0-12	0

«F» гуруҳи

	Ю	Д	М	Т	О
1. Швеция	1	2	0	4-3	5
2. Англия	1	2	0	2-1	5
3. Аргентина	1	1	1	2-2	4
4. Нигерия	0	1	2	1-3	1

«В» гуруҳида Испания футболчилари олтита очко билан етакчилик қилаётганди. Испания — ЖАР ўйинида борди-ю учрашув дуранг бўлса, ҳар иккала жамоанинг иккинчи босқичга йўлланма олиши аниқ эди. Лекин тўпларга бой бу ўйинда испанлар 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу гуруҳдан нимчорак финалга чиқадиган иккинчи жамоанинг номи Словения — Парагвай учрашуви натижасига боғлиқ бўлиб қолди.

Бугун эса «С» ва «G» гуруҳларида ҳам иккитадан учрашув бўлади.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

ТЕННИС

«КАШФИЁТЛАР МАЙДОНИ»ДА

Беш кундирки, пойтахтимиздаги Тошкент теннис марказида аёллар ўртасида соврин жамғармаси 140 минг АҚШ долларини ташкил этган «Tashkent open» анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтмоқда. WTA таснифига кирувчи ушбу мусобақанинг шахсий биринчилик учрашувларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Оқгул Омонмуродова, Иванна Исроиловалар имкониятни бой берганликларини аввал хабар қилгандик.

Жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакати теннисчилари иштирок этаётган бу турнир кашфиётлар майдони, деб бекорга эътироф этилмаётгани илк баҳсларданоқ маълум бўлди. Аёллар ўртасидаги рейтингда 100-ўринни эгаллаб турган голландиялик Зеда Нурландер турнирнинг тўртинчи ракеткачиси саналади. Россиялик таниқли теннисчи Марат Сафиннинг синглиси Динара эса Зедадан ўн икки ёш кичик. 2002 йил 27 майдаги рейтинг бўйича Динара Сафина бор йўғи 201-ўринда. Аммо, эндигина ўн олти ёшга тўлган россиялик қиз икки сетда ҳам тажрибали Зеда Нурландерни майдондан бош эгиб чиқишга мажбур қилди — 6/4, 6/1.

Кеча жуфтлик баҳсларида вакилларимиз Оқгул Омонмуродова ва Иванна Исроилова украиналик Юлиана Федак — россиялик Анна Бастриковага қарши кортга чиқишди. Бу учрашув ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди — 6/3, 4/6, 6/3.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 471

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22-30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АСАКА» БАНКИ

СИЗГА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Асака» банки пластик карточкалари — бу: ишончли, нуфузли, қулай ва фойдали.

Сўм карточкаларимизга товарлар ёки хизматларга тўлов ёки нақд пул олиш учун сиз ўзингизга қулай бўлган вақтда республикамиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида, Europay (Master Capd) халқаро карточкалар орқали жаҳондаги ҳар қандай мамлакатда туриб тўловни ёки Валюта олишни амалга оширишингиз мумкин.

Сизнинг пластик карточкаларингиздаги қолдиқ маблағларингизга даромад қўшилади.

Банкимизнинг ўзига хос томони шундаки, юксак малакали мутахассисларимиз мижозларимизга юқори даражада хизмат кўрсатади ва сиз пластик карточкаларни қисқа вақтда олиш имконига эга бўласиз.

Энг муҳими, «АСАКА» банки омонатларингизнинг тўла сақланишини ва махфийлигини кафолатлайди.

«АСАКА» БАНКИ КАРТОЧКАЛАРИ БУ ЯНГИ БИР ДУНЁ!

Пластик карточкаларни олиш бўйича банк филиалларига мурожаат қилинг; Тел: 120-81-79, 120-82-75, 120-83-09, 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-84-08, 120-81-98, 120-84-23.

МАҲАЛЛА ФУТБОЛЧИЛАРИГА — «ДАМАС»

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллаларда «Оммавий футбол — гиёҳвандликка қарши» шиори остида футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Унда кўҳна ва навқирон шаҳарнинг юздан ортиқ маҳалла жамоалари ғолиблик учун майдонда тўп сурдилар.

Ўн саккиздан юқори ёшдаги футболчилар ўртасидаги мусобақада Сиёб туманининг «Сузангарон-2» ва Темирйўл туманининг «Бекмаҳалла» жамоалари финалда куч синашди. Қизиқарли ўтган учрашувда сиёбликлар — 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, шаҳар ҳокими кубоги ҳамда бош соврин «Дамас» автомобили билан тақдирландилар.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 15,19,26 июль кунлари танлов савдоларини ўтказади

Танловга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Гулбаданбегим кўчаси, 50-уйда жойлашган, 50-сон болалар боғчаси (мол-мулки билан) савдога қўйилади.

Бинонинг бошланғич нархи — 19 805 600 сўм ёки 28 482 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Савдолар 11.00 да бошланади.

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманида яшовчи хусусий тадбиркор Убайдулла Сайфуллаевич Раҳимовнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги муносабати билан

БЕКОР ҚИЛИНАДИ